



“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Табиатни муҳофаза қилиш
қўмитаси Ранси

Н.М.Умаров

2010 йил «29» 04

**Наманган вилоят табиатни муҳофаза
қилиш қўмитаси тўғрисидаги
НИЗОМ**

Умумий қондалар.

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи идоралардан устунтурувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органдир.

2. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига буйсунади ва унга ҳисобдордир, ўз вазифасини Давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий идораларидан, қонун чиқарувчи органлари бундан мустасно, мустақил тарзда амалга оширади ва табиатдан оқилона фойдаланишни, табиатни муҳофаза қилишни йўлга қўйиш, табиий ресурсларини такрор ишлатиш ва уларни муҳофаза қилишнинг аҳволи ҳамда шу соҳада ягона илмий-техникавий сиёсат ўтказишга масъулдир.

Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруқ ва кўрсатмаларига ва ушбу Низомга амал қилади.

Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз фаолиятини Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг коммунал хўжалик ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари бўйича доимий комиссияси билан ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда олиб боради.

Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг мансабдор шахслари ўз фаолиятлари учун қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

3. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ягона таркибини ташкил қилади.

4. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини вилоятдаги барча бирлашма, юридик ва жисмоний шахсларининг мулкчилик шаклидан қатъи назар давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек фуқаролар бажаришга мажбурдирлар.

Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг қарорлари зарур ҳолларда Наманган вилояти ҳокимлиги ва унинг бошқармалари билан биргаликда ёки улар билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ минтақавий ва республикалараро муаммоларни ҳал этишда Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз ваколатлари доирасида вилоятнинг бошқа тегишли табиатни муҳофаза қилиш идоралари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик қилади.

6. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоятдаги идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурсларидан фойдаланиш борасидаги фаолиятларида улар бажаришлари лозим бўлган ишларни ўз зиммасига олмайди. Улар табиий ресурслардан фойдаланишни, табиий ресурсларни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда улар ҳолатини кузатиб боришни бошқариб туради, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни қайта тиклаш борасидаги вазифаларни бажаришга қаратилган ўз фаолиятларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан мувофиқлаштириб боришлари шарт.

7. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилояти ҳокимлигининг тегишли

бошқармалари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, фермер ва дехкон хўжаликларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш: шу жумладан, ер, ер ости ва усти сувлари, ҳаво, биологик ресурсларни муҳофаза қилиш устидан олиб борадиган назорат ишларини мувофиқлаштиради.

8. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоат ташкилотлари на аҳоли билан ҳамкорликда иш юритади, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларида уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади ва кўмаклашади, табиатни муҳофаза қилиш юзасидан жамоатчи инспекторлар ва постлар ташкил этади ҳамда уларнинг ишига раҳбарлик қилади.

9. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз ҳуқуқ доирасида ва белгиланган тартибда табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, идоралар ва бошқа юридик шахслар билан ҳамкорлик қилади.

10. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қарорлари вилоят оммавий ахборот нашрларида чоп этилади, зарур ҳолларда эса оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига етказилади.

2. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг асосий вазифалари

1. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- вилоятда табиий ресурсларни, атмосфера ҳавосини, ер ости ва ер усти сувларини, ерларни ифлосланиш ва камайиб кетишидан муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хилма-хиллиги сақлаб қолинишни таъминлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш;

- атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, вилоятда экологик вазиятни соғломлаштириш;

- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини идоралараро бошқариш;

- табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни тежаш соҳасида ягона илмий-техник сиёсатни амалга ошириш;

- вилоят ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш.

3. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

1. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг асосан иқтисодий усулларида кенг фойдаланиш, халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ресурсларни тежайдиган, камчиқитлик ва чиқитсиз технологияларни қўлланишини рағбатлантириш, санобат чиқиндиларини ҳамда фан ва техника тараққиётининг табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш соҳасига жорий этиш асосида вилоятда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида комплекс бошқарувни амалга оширади;

2. Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш, табиий муҳит объектларининг ифлосланишини назорат қилиш юзасидан вилоят, туманларнинг экологик нормативларини, қоида ва стандартларни маъқуллайди, уларни фондини шакллантиради; табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида экологик меъёрлаштириш ва стандартлаштириш соҳасидаги тажрибани ўрганади ва умумлаштириб боради, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни услубий жиҳатдан таъминлаш юзасидан иш олиб боради, табиий муҳит объектларнинг ифлосланишини назорат қилиш бўйича услубий раҳбарликни амалга оширади.

3. Вилоятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш концепцияси ва асосий йўналишлари лойиҳасига табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш юзасидан тармоқ давлат ва маҳаллий дастурлари ва режаларига, вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш давлат режаларига киритиш учун инвестициявий жараёнларга

фаол таъсир кўрсатишни таъминлайдиган, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари билан боғлиқ бўлган таклифларни ишлаб чиқади ва улар асосида вилоят ҳокимлигига таклифлар киритади.

4. Вилоят корхона ва муассаса идоралари, жамоат корхоналари ва ташкилотлари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тадбирлари ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг ва истикбол режаларини мувофиқлаштиради.

5. Атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш (оқизиш), саноат, маиший чиқиндиларини жойлаштириш (кўмиш) нормативларини ва компенсация тўловлари миқдорини табиатдан фойдаланувчилар зътиборига етказиши, табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсацион тўловларни корхона ва ташкилотлардан ундиради ва ундан белгиланган тартибда фойдаланади.

6. Атроф-муҳитни ифлосланишининг миқдорий ҳажмини назорат қилади, вилоят гидрометеорология бошқармаси, вилоят идоралари, корхона ва ташкилотлар билан биргаликда атроф-муҳитга зарарли таъсирларнинг (жисмоний зарардан ташқари) миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобини, вилоят ҳокимлиги ва статистика бош бошқармаси билан эса ифлосланиш манбаларининг давлат ҳисобини олиб боради.

7. Вилоятдаги халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш хусусидаги қонунлар ва табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш юзасидан, атроф-муҳит муҳофазаси талабларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолиятини иқтисодий рағбатлантиришнинг янги усулларини қўллаш, булар бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда вилоят ҳокимлигига киритади.

8. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадида фойдаланиладиган ускуналар, асбоблар, автоматика воситалари ва автоматлаштириш тизимлари, моддалар, кимёвий реактивларга бўлган талаб-эҳтиёжларни аниқлашда ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун давлат буюртмаларини шакллантиришда қатнашади.

9. Вилоятнинг ишлаб чиқарувчи қучлари билан халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва уларни жойлаштиришнинг бош схемаларини табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий комплекс схемаларини, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларини, ҳудудлардаги режалаштириш схемаларини, саноат узеллари схемаларини, вилоят, шаҳарлар бош планини, атроф-муҳит ва табиий ресурслар ҳолатига таъсир этувчи корхоналар ва бошқа объектлар қуриш (қайта таъмирлашнинг)нинг лойиҳа ҳужжатини, шунингдек техника, технология, материаллар ва моддаларни ишлаб чиқариш бўйича объектларининг давлат экологик экспертизасини ўтказиши, табиатга хўжалик фаолияти таъсирининг экологик жиҳатдан қанчалик асосли эканлигига ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларига баҳо беради.

10. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ҳокимлик ва статистика бошқармаси, гидрометеорология бошқармаси, давлат геология қўмитасининг бўлинмаси ва вилоятдаги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда атроф-муҳитнинг ифлосланиш ҳолати ва унга бошқа зарарли таъсирлар, табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларнинг экологияга оид вилоят ахборот банкни ташкил этади ва юритади. Шу масалада Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ва манфаатдор идораларни хабардор қилиб боради; вилоятдаги атроф-муҳит ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолияти тўғрисидаги ҳар йилги маърузаларни эълон қилиб туради; вилоят, минтақа ва республика экология ахборот тармоғи миқёсида экологик маълумотларни алмашади.

11. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера билан унинг экологик тизимини сақлаб қолишга қаратилган

ягона техника сиёсатнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва бу сиёсат вилоятда рўёбга чиқарилишини ташкил этади.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ва белгиланган тартибда вилоятда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва табиий объектларнинг илмий асосланган тармоғини вужудга келтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

13. Табиий муҳит ҳолатига инсон фаолияти кўрсатадиган таъсирни таҳлил қилади, табиий ресурсларнинг барча турларини хўжаликда ишлатишга жалб этиш кўламларини тартибга солади ва вилоятдаги илмий-тадқиқот муассасалари ва шаҳарлар режалаштириш комиссияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда узок муддатли экологик башоратлар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш дастурларини, ҳудудий комплекс схемаларни, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларини тузиб чиқади.

14. Атроф табиий муҳит мониторингини ташкил қилади, уни амалга ошириш тартибини назоратини олиб боради, корхона муассаса ва бошқа манфаатдор органлар билан биргаликда атроф-муҳит ифлосланишининг ахволи ва унга бошқача зарарли таъсирлар маълумотини ягона экологик ахборот банкини ташкил этади ва юритади.

15. Аҳолини, табиатни, табиий ресурсларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш ишларини ташкил этади, фуқароларнинг экология соҳасидаги билимларини оширишда кўмаклашади ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақидаги билимларининг тарғиботи ва оммалаштирилишини уюштиради, шу соҳада танловлар, кўргазмалар, конференциялар ва бошқа тadbирлар ўтказилади.

16. Вилоятда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги ишларни амалга оширувчи олий ва ўрта ўқув юртларининг, илмий-тадқиқот, лойиҳа конструкторлик ва технологик ташкилотларининг тармоғини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

17. Қўмита тармоқларида ишловчи ходимларининг малакасини оширишни ташкил этади, давлат ва жамоат корхоналарида, муассаса ва ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлаш, улар малакасини ошириш соҳасидаги ишига услубий жиҳатидан раҳбарлик қилади.

18. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш ва оқизиш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, атмосфера хавосидан фойдаланишга, йўл-йўлакай казиб олинadиган табиий ресурсни, саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларни жойлаштириш, чиқариб ташлаш ва оқовалар оқизишга, сувдан махсус фойдаланишга, сув чиқариш учун кудук казишга рухсатнома беради.

Ҳайвонот дунёсидан ва ўсимлик дунёсидан фойдаланишга, шунингдек ёввойи гиёҳлар, хўжалик аҳамиятига молик ўсимликлар ва бошқа табиий ўсимликлар йиғиш, уларни вилоят ҳудудидан четга олиб чиқиш ва вилоятга олиб киришга рухсатнома беради.

19. Вилоят микёсида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва тартибга солиш, улардан фойдаланиш юзасидан қондалар, кўрсатма ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва жорий қилади. Мазкур ҳужжатларнинг ижроси мулкчилик шаклидан катъи назар барча идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжалиқлари, чет эл юридик шахслари ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқаролар учун мажбурийдир.

20. Вилоятдаги корхоналарнинг атроф-муҳит муҳофазаси қонунларини бажарилиши бўйича ҳисоботини қўмитанинг хайъат йиғилишида кўриб чиқади.

21. Табиатни ифлослантирганлиги ва табиий ресурслардан фойдаланганлиги оқибатида етказилган зарарларни ўз вақтида қопланишини ташкил этади, компенсацион тўловлар ва жарималарга тортади ва ундиради. Тушган маблағларни давлат бюджети ҳисобига ўтказилади, республика ва маҳаллий жамғарма фондларини шакллантиради.

22. Корхоналар томонидан атроф мухитга етказилган зарар юзасидан маъмурий чоралар кўради. Атроф-мухитга зарарли таъсир кўрсатаётган объект ва корхоналар фаолиятини чеклаш, вақтинча тўхтатиш ва фаолиятини тугатиш хусусида суд органларига таклифлар киритади.

23. Қонун асосида белгиланган объектларни Давлат экологик экспертизадан ўтказди ва хулосалар беради. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган лойиҳаларни банк ва бошқа кредит ташкилотлар томонидан молиялаштирилишини таъқиқланиши юзасидан банк муассасаларида давлат назоратини олиб боради.

24. Қуйидагилар устидан давлат назоратини олиб боради:

а) экологик тизим, табиий генофонд, биологик мувозанат ҳолати, шунингдек атмосфера ҳавосини, ер усти ва ер ости сувларини, тупрокни ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати устидан, ўсимликларнинг ва сувдаги биологик объектларнинг, ёввойи жониворларнинг яшаш мухитининг ҳолати устидан;

б) идоравий буйсуниши ва мулкчилик шаклидан катъи назар барча идора ва давлат кооператив, ташкилот ва муассасалар, фермер ва дехкон хўжаликлари, чет эл юридик шахслари ва жисмоний шахсларнинг, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг:

- тургун ва кўчма ифлослантириш манбаларидан атроф-мухитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва окизишнинг йўл қўйиш мумкин бўлган, махсус рухсатномалар билан белгилаб қўйиладиган лимит ва норматив меъёрларигача камайтириш режаларини бажарилишини;

- янги техника, материаллар, моддалар ҳамда атроф-мухит ва табиий ресурслар ҳолатига таъсир этадиган корхоналар ва бошқа объектларни қуриш (таъмирлаш) учун лойиҳалар ишлаб чиқиш чоғида экологик стандартлар ва нормативларга риоя этилишини;

- янги ва қайта таъмирланган корхоналар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш чоғида атроф-мухит ҳолатига ва табиий ресурслардан фойдаланишга таъсир этувчи мавжуд технологик жараёнлари ва усқуналари, материаллар ва моддаларни;

- фойдали қазилмаларни қазиб олиш, портлатиш ишларни ўтказиш, қазилма чиқиндихоналарни, конлардан чиққан яроксиз уюмларни, чиқиндихоналарни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида атроф-мухитни ифлосланишдан, булғанишдан ва тамом бўлиб қолишдан муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш талабларини;

- ўсимликларни химоя қилиш воситаларини, минерал ўғитларни, халқ хўжалигида ишлатишга рухсат этилган бошқа кимёвий моддалар ва дориларни ташиш, сақлаш чоғида атроф-мухитни муҳофаза қилиш талабларини;

- кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг, кон саноати ишлаб чиқариши чиқиндиларидан фойдаланишнинг белгиланган нормалари билан қоидаларига, шунингдек фойдали қазилма конларини тайёрлаб ишга туширишнинг, уларни келгусида халқ хўжалигида фойдаланиш учун беришнинг муддатлари вазифасини;

- табиий ресурслардан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари йўлида фойдаланишнинг, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, уларни асраш ва такроран ишлаб чиқаришнинг белгиланган тартибини;

- сувни тозалаш иншоотларидан фойдаланиш, сув хўжалиги тармоқлари, сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотларидан самарали фойдаланиш қоидаларини;

- саноат ва бошқа объектларнинг, сув истеъмоли нормалари ва қоидаларига, сувдан фойдаланишнинг белгиланган режимига риоя этишлари устидан;

в) давлат ва жамоа корхоналари, муассаса ва ташкилотлар, фермер ва дехкон хўжалиқларининг, қўшма корхоналарининг, чет эл юридик шахсларнинг ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек фуқароларнинг:

- атроф-мухит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, уларни асраш ва такроран ишлаб чиқариш режалари ва уларни бажарилишини;

- атроф табиий муҳитга чиқарилаётган оқовалар ва ифлослантирувчи моддалар, оқова сув тозалаш иншоотлари учун ускуналар ва аппаратлар қуриш ҳамда уларни фойдаланишга топшириш, ифлослантирувчи манбаларни, оқова ва ташламаларни назорат қиладиган ва бошқарадиган асбоб ускуналар билан жиҳозлаш режасини бажарилишини;

- сув объектларининг кирғокбўйи минтақаси(зонаси)да сувни муҳофаза қилиш тадбирларини, шунингдек сувнинг зарарли таъсирлари(сув тошқини, сув босиши, сув уриб кетиши, кирғокларнинг смирилиб кетиши ва бошқа зарарли ҳолатлар)га қарши кураш тадбирларини;

- тупрокни шўрланиш ва зах босишидан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий дорилар ва бошқа кимёвий моддалар билан ифлосланишдан, қурилиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қидирув ишларини ўтказиш чоғида ерларни бошқа йўсинда ишдан чиқаришдан муҳофаза қилишга доир комплекс тадбирларни;

- атроф-муҳитга транспорт ва бошқа ҳаракат воситалари ҳамда қурилмалардан ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланиши ва оқизилишининг олдини олиш ва камайтириш тадбирларини;

- овладиган қимматбаҳо жониворлар ва сувда яшовчи бошқа хил жониворларни кўпайтириш ва турларини тиклаш, улар яшайдиган муҳит ифлосланишининг олдини олиш, портлатиш йўли билан сув ўзанини чуқурлаштириш ишларини амалга ошириш, фойдали қазилмалар қазиб олиш, қувур, кабель ўтказиш орқали биофаунага бошқа йўсинда салбий таъсир этиш ва бошқа таъсирларнинг олдини олиш тадбирларини бажаришлари устидан;

г) ер, сув давлат кадастрларини, ер ости бойликлари, хайвонот ва ўсимлик дунёси кадастрларини юритиш устидан, бюджет маблағларининг аниқ мақсадларда ҳамда ер тузишда ишлатилаётгани устидан;

д) давлат ва жамоа корхоналарида, муассаса ва ташкилотларда, фермер ва деҳқон хўжалиқларида табиий ресурслардан фойдаланишнинг, ифлослантирувчи моддалар оқова ва ташламаларнинг ҳамда табиий муҳитга бошқа йўсиндаги зарарли таъсирларнинг (жисмоний таъсирлар бундан мустасно), саноат, маиший ва бошқа хил чиқиндиларнинг, уларни тўплаб қўйиш ва кўмиш ҳажмларининг бирламчи ҳисобини юритилиши устидан;

е) сув объектларидан оқилона фойдаланиш, ер усти ва ер ости сувларини ифлосланишидан, камайишидан ва қуриб қолишдан муҳофаза қилиш устидан, шунингдек сув объектларидан мўлжалланган мақсадларга мувофик равишда фойдаланишни йўлга солиш, ер ости сувларидан режали фойдаланиши устидан;

ж) тозалаш иншоотлари ва қурилмаларининг ҳолати ҳамда уларнинг самадорлиги устидан, оқова сувларнинг чиқариб ташлаш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан;

з) сув хўжалиги баланслари ва истикболли схемалар асосида айрим ҳавзалар, вилоят ҳудуди бўйича сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш устидан;

и) сув ресурслардан фойдаланишнинг ҳавзалар бўйича режаларини ҳамда сув омборларининг юқори ва қуйи гидроэлектростанциялар, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг комплекс фойдаланиши қондаларини тайёрлаш устидан;

к) мелиорация қурилиши, фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида, шунингдек объектларни ўзгартириш ва ландшафтларни шакллантириш билан боғлиқ бошқа йўсиндаги хўжалик фаолияти давомида ер ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш устидан;

л) ердан фойдаланувчилар ер участкаларидан кўзланган мақсадларга мувофик тарзда фойдаланиши устидан, муассасалари ва ташкилотларининг тупрокни ифлосланишига қарши ташкилий-хўжалик, агротехника мелиоратив ва гидротехника тадбирлари комплексини вақтида жорий этиш, тупрок нураши манбалари таъсирини тўхтатиш, дарахтзорлари

хамда нурашга қарши гидротехника иншоотларини асраш тадбирларини амалга оширилиши устидан;

м) табиий ресурсларнинг ҳар қандай турлари саноат захиралари олиб бўлингандан сўнг бўшаб қолаётган ерларни кишлок хўжалиги, ўсимлик дунёси ёки балиқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ҳолатга ёки ерларни ажратиб бериш шартларига мувофиқ минтақанинг экологик мувозанати сақланишини таъминлайдиган бошқа ҳолатга келтириш устидан, зарур ҳолларда айтиб ўтилган ерларни жамоа ва давлат хўжалиқларига ёки давлат фондига бериш тўғрисидаги таклифларни тегишли идоралар муҳокамасига киритиш устидан;

н) ер остидан олинadиган вақтинча фойдаланилмайдиган жинслар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини олдини оладиган даражада жойлаштириш устидан;

о) саноат ишлаб чиқаришининг экологик жиҳатдан хавфсизлигини ва табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишини таъминлайдиган фан-техника ютуқларини амалиётига жорий этиш устидан;

п) табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан давлат истикбол статистика ҳисоботини юритиш ҳамда унинг аниқлиги устидан;

р) вилоят ҳудудида жойлашган, халқаро, давлатлараро аҳамиятга молик табиий объектлардан фойдаланиши ва муҳофаза этилиши устидан, табиатни йўқолиб кетиш хавфи остидаги нодир ва ноёб жониворлар ва ўсимликларининг Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган, шунингдек савдо қилиш ёки муҳофаза қилиш халқаро шартномалари билан бошқариб туриладиган муҳофаза қилиш тўғрисидаги нормалар, қоидалар ва қонунларга риоя этилиши устидан, Республика аҳамиятига молик биосфера кўрикхоналарида ва бошқа кўрикхоналарида, кўрикхона тартиби сақланиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

25. Қуйидагиларга, чунончи:

а) банк муассасаларига саноат объектлари ва бошқа хил объектларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ёки кенгайтириш ишлари табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларга ҳилоф тарзда амалга ошираётган тақдирда молиялаштиришни тўхтатиб қўйиш хусусида;

б) Маҳаллий бошқарув органларига, уларнинг тасарруфидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар табиатни муҳофаза қилиш қонунлари, экологияга таълуқли қоидаларни, табиатдан фойдаланиш стандартларини ва нормаларини қўпол тарзда ва муттасил бузиб келаётганлиги учун ташкилотлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарларини белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисида мурожатларга;

26. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг мансабдор шахслари вилоят ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларга, фермер ва деҳқон хўжалиқлари ва бошқа объектларга назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика ва ҳудудий кенгашлари томонидан тасдиқланган текширишлар режа-жадваллари ва вилоят қўмитасининг тегишли буйруқлари асосида (назорат тартибидаги текширишлар бундан мустасно), қиришга ҳақлидирлар.

3. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳуқуқлари

1. Қўмита Ҳайъати мажлисларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши юзасидан вилоят ташкилотлари, идоралари, давлат ва ширкат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш.

2. Вилоят халқ депутатлари кенгашига табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан туман ҳокимликларининг ҳисоботларини кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш.

3. Атроф табиий мухитни ифлослантириш ва табиий ресурслардан фойдаланмаслик оқибатида табиатга етказилган зарарни ундириб олиш тўғрисида идоравий бўйсунитиш ва мулкчилик шаклидан катъи назар корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотларга, фермер ва деҳқон хўжаликларига, фуқароларга, шунингдек чет эл юридик шахс ва фуқароларига жарима солиш, ундирилган маблағни Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига ҳамда махсус ҳисоб рақамига ўтказиш.

4. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларига хилоф равишда саноат объектлари ва бошқа хил объектларни лойиҳалаш ва қуришни, таъмирлаш ёки кенгайтиришни, табиий ресурслардан фойдаланиш ишлари ва бошқа юмушларни амалда таъқиқлаб қўйиш, шунингдек атроф-мухит муҳофазаси нормалари ва қоидаларини бузаётган саноат корхоналари, бошқа корхона ва ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ишини тўхтатиб қўйиш ҳамда фойдаланилганда табиий объектларининг ифлосланишига ёки завоқ топишига олиб келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъқиқлаб қўйиш бўйича ўрнатилган тартибда тақлиф бериш.

5. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни ўз вақолатлари доирасида қўриб чиқиш ва айбдор шахсларга нисбатан маъмурий қоралар қўриш, зарурат бўлганда қўриб чиқиш учун ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш.

Юридик ва жисмоний шахслардан табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга тааллуқли зарур ахборот ва тушунтиришларни талаб қилиш, ҳамда уларни белгиланган шаклда бепул олиш.

6. Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни ғайриқонуний йўл билан овлаш ёки нобуд этиш туфайли етказилган зарар учун ундириб олинадиган маблағ миқдорини ҳисоблаб чиқади ва ундиради.

7. Ташкилотлар, идоралар, корхона ва муассасалардан атроф-мухит ҳолати тўғрисида, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши хусусида керакли маълумот ҳамда статистика ҳисоботи, шунингдек авария ва фавқулодда ҳолатлар юзасидан шошилиш ахборотлар олиш.

8. Наманган вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг мансабдор шахслари белгиланган тартибда вилоят ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, бошқа объектларга ўз вақолатлари доирасида, қонунда ўрнатилган тартибда қиришга ҳақлидирлар. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг мансабдор шахсларини ўз хизмат вазифаларини бажараётганларида уларни хоналар, телефон алоқаси, транспорт билан ва объектни қўздан қечириш (қекшириш) вақтида, заруратга қараб махсус қийим билан таъминлашлари шарт.

Наманган вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тизими ходимлари (ёрдамчи ишлардаги ходимлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси давлат қўмитасининг раиси томонидан тасдиқланган ягона намунадаги қийим ва фарқловчи бешлгилар билан таъминанадилар.

Уларга табель қуролини сақлаш ва олиб юришга белгиланган тартибда рұхсат этилади.

9. Саноат, маиший ва бошқа қикиндиларни, қўмиб ташлаш (тўқиш) учун, атроф-мухитга зарарли моддаларни ташлаш, (оқизиш) учун, сувдан махсус фойдаланиш, сув олиш мақсадида қудуқ қазитиш учун, сув объектлари ҳамда соҳил бўйи минтақасида иш олиб қориш учун, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва илмий-тадқиқот ишлари учун ҳайвонат ва ўсимлик дунёсидан ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишга берилган рұхсатномаларни, ўрнатилган тартиб бузилган ҳолларда, бекор қилиш.

10. Табиий мухитнинг ҳолатини аниқлаш ва уни соғломлаштириш тадбирларини ишлаб қикиш учун илмий-техник, эксперт ва бошқа идоралараро қенгашлар, гуруҳлар ва комиссиялар ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вақолати доирасига қирадиган масалалар юзасидан қенгашлар қақириш, табиатни муҳофаза қилиш

қўмитаси хузурида табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилиш учун, хўжалик ҳисобидаги илмий ишлаб чиқариш марказлари ва бошқа бўлимлар тузиш.

11. Табиатни муҳофаза қилишнинг узок муддатли дастурларини, ҳудудий комплекс схемаларини ишлаб чиқишга, давлат экологик экспертизасини ўтказишга ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини, олий ўқув юртларини, илмий-техникавий ижодиёт ва ахборот марказларини бошқа идора ва ташкилотларни, шунингдек айрим олимлар билан мутахассисларни жалб этиш.

12. Ташкилот ва идораларнинг, корхона ва муассасаларининг, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарларидан, бошқа юридик шахслардан, ўзларига қарашли объектларида атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланишини (оқизилишини) узлуксиз назорат қилиб боровчи воситалар билан таъминланган пунктлар (постлар) ташкил этиш, бундай пунктлар (постлар) Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига мунтазам равишда ахборот бериб туришларини талаб қилиш.

13. Табиатни муҳофаза қилишга доир журналлар, рўзнома, нашрлар, ахборотномалар чоп этиш.

5. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг тузилмаси и ва раҳбарияти.

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Раиси, қўмита Раисининг ўринбосари ва қўмита вилоят, туман инспекциялари ва бўлимлари ходимларидан иборат таркибда тузилади.

2. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Раиси лавозимга вилоят ҳокими билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Раиси томонидан тайинланади.

3. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Раиси ўринбосари лавозимга қўмита Раиси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси буйруғи асосида тайинланади.

Қўмита заруратга кўра, аммо йилига камида икки марта ўтказиладиган мажлисларида вилоятда табиат бойликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишнинг муҳим масалаларини муҳокама этиб боради.

4. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Раиси қўмитага юклатилган вазифаларнинг бажарилиш учун, шунингдек, қўмитанинг бўлимлари, муассасалари ва ташкилотлари иши учун шахсан жавоб беради. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Раиси лавозимига кўра, вилоятнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат бош инспекторидир.

5. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари айна бир вақтда ўзлари бошчилик қилаётган йўналишлар бўйича вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат Бош инспектори ҳисобланади.

6. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Раиси (ҳайъат раиси), раис ўринбосари, шунингдек вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бўлим раҳбарлари ва вилоят корхона, муассаса ва ташкилотларининг раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат (коллегия) тузилади.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давомий ўтказиладиган ҳайъатларида қўмита фаолиятининг асосий масалаларини, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий муҳитдан фойдаланиш услубларини такомиллаштириш ва уюштириш, табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига риоя қилишда қабул қилинган йўналишлар бўйича давлат ва жамоат корхоналари, бошқа мутасадди ташкилотлар, идоралар ва фуқароларнинг фаолиятларини давлат назоратини, бошқа норматив ҳужжатларни, стандартларни табиатни муҳофаза қилишда норма ва қоидаларни, қўмитага бўйсунувчи корхоналарнинг устидан раҳбарликни қабул қилган қарорларнинг назоратини, мутахассисларни ўқитишни,

корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларини табиатни муҳофаза қилишдаги фаолиятларини кўриб чиқади ва керакли қарорлар қабул қилади. Ҳайъат мажлиси камида ойда бир марта ўтказилади. Ҳайъат қабул қилган қарорлар қўмита буйруқлари орқали ҳаётга татбиқ қилинади.

7. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида, қўмита ҳайъати томонидан тасдиқлаган мувофиқлаштириш Кенгашлари, илмий-техника кенгаши, экологик экспертиза кенгаши, экологик билимларни тарғиб қилиш ва шу каби бошқа жамоатчилик кенгашлари тузилади.

Кенгашлар тартиби ва улар ҳақидаги низомлар қўмита Раиси томонидан тасдиқланади.

8. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошида табиатдан фойдаланиш ва агроф-муҳит муҳофазасига доир муҳим муаммоларни чуқур ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан режа ва қарорлар ишлаб чиқиш учун олимлар, жамоат арбоблари, нодавлат нотижорат ташкилотларидан иборат табиатни муҳофаза қилиш жамоатчилик кенгаши тузилади. Мазкур кенгашнинг шахсий таркиби ва у ҳақидаги Низомни Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси тасдиқлайди.

9. Вилоят қўмитаси марказий аппарати ходимларининг миқдори ва унинг фаолияти учун зарур харажатлар сметаси Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

10. Вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоятда табиатни муҳофаза қилиш бўйича штатсиз жамоатчи инспекторлар ва экспертлар тармоғини тузади, улар республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тасдиқлаган Низом бўйича фаолият кўрсатади.

11. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари (ёрдамчи ишлардаги ходимлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Раиси томонидан тасдиқланадиган ягона намунадиги кийим ва фарқловчи белгилар билан таъминланадилар.

Уларга табель куралини саклаш ва олиб юришга белгиланган тартибда рухсат этилади.

12. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тили лотин алифбосида ёзилган муҳриги эга бўлади.

13. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ажратиладиган давлат бюджетидан молиявий таъминланади.

14. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоятдаги мутасадди жамғарма банкида ўз ҳисоб рақамини очиш ҳуқуқига эга.



“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Табиатни муҳофаза қилиш
қўмитаси Ранси

Н.М.Умаров

2010 йил «29» 04

**Наманган вилоят табиатни муҳофаза
қилиш қўмитаси тўғрисидаги
НИЗОМ**